

САИДЖАЛОЛОВ Саидфзал Саидханбалович
Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси
Ижтимоий фанлар ва ҳуқуқ кафедраси доц.в.б.,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ИСЛОМ МАНБАЛАРИДА ТАБИАТНИ АСРАШ МАСАЛАСИ

ВОПРОС ОХРАНЫ ПРИРОДЫ В ИСЛАМСКИХ ИСТОЧНИКАХ

THE QUESTION OF NATURE PROTECTION IN ISLAMIC SOURCES

Аннотация. Мазкур мақолада ислом дини манбаларида табиатни асрашга бўлган эътибор таҳлил қилинган. Атроф-муҳитни, ўсимликлар, ҳайвонлар, сув ҳавзаларини муҳофаза қилишнинг аҳамияти Қуръон оятлари ва ҳадиси шарифлар асосида очиб берилган.

Калит сўзлар: табиат, атроф-муҳит, ўсимликлар, жонзотлар, сув, оят, ҳадис, тежамкорлик.

Аннотация. В статье анализируется внимание, уделенное к охране природы в исламских источниках. Важность защиты окружающей среды, растений, животных и водоемов раскрывается на основе аятов Корана и хадисов.

Ключевые слова: природа, окружающая среда, растения, животные, вода, аят, хадис, бережливость.

Annotation. The article analyzes the attention to the preservation of nature in Islamic religious sources. The importance of protecting the environment, plants, animals and water bodies is revealed on the basis of the verses of the Quran and hadiths..

Keywords: nature, environment, plants, animals, water, verse, hadith, thrift.

КИРИШ

Ислом дини инсонларни нафақат маънавий покликка, балки табиатга нисбатан масъулиятли

муносабатда бўлишга ҳам тарғиб қилади. Қуръони карим ва ҳадис манбаларидан келиб чиқиб, табиатни муҳофаза қилиш ислом ахлокининг ажралмас қисми эканини кўриш мумкин. Ислом таълимоти инсон кўриб турган борлиқни тўрт қисмга таснифлайди:

1. Жамодот олами: жонсиз мавжудотлар: тупроқ, сув, турли жисмлар каби.

2. Наботот олами: ўсимликлар, яшил табиат, боғу-роғлар сингари.

3. Ҳайвонот олами: ҳашаротлар, қушлар, балиқлар, ёввойи ва уй ҳайвонлари.

4. Инсоният олами: бир ота – Одам ва бир она – Ҳавводан тарқаган барча инсонлар.

Ислом ахлоқи ва таълимотига кўра, ҳар бир инсон табиатга нисбатан одилонга муносабатда бўлиши шарт. Бу бир неча жиҳатларда намоён бўлади:

АСОСИЙ ҚИСМ

Қуръони карим сураларининг номига эътибор қилинса юқорида зикр қилинган борлиқнинг тўрт қисмига тегишли номлар билан суралар номланганига гувоҳ бўлиш мумкин: “аш-Шамс” (Қуёш), “ал-Қамар” (Ой), “ан-Нажм” (Юлдуз) – жамодот олами, “ат-Тийн” (Анжир) – наботот олами, “ан-Намл” (Чумоли), “ан-Наҳл” (Асалари), “ал-Бақара” (Сигир) – ҳайвонот олами, “Муҳаммад”, “Нух”, “Марям” – инсоният олами.

Асосий масала Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар борлиқдаги барча мавжудотларни: жамодот, наботот, ҳайвонот ва инсоният оламларининг ҳаммасини асраб-авайлашга, муҳофаза ва эъзоз этишга буюради. Умуман, Қуръони карим Ер юзини обод қилишга, Она сайёрамиздаги барча нарсаларнинг ўз қадри мавжудлигини таъкидлаб, уларни беҳуда исроф қилишдан қайтаради.

Қуръони каримда Ер, сув, ҳаво ва жонли мавжудотлар инсонга берилган амонат экани таъкидланган. Масалан, Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: “У, осмонлару ерни ҳақ ила яратган Зотдир.” (Қуръон, Анъом 6:73). Бошқа бир оятда эса шундай дейилади: “У сизларга ерни бўйсундириб қўйган Зотдир. Бас, унинг турли жойларида юринг ва Унинг ризқидан енг.” (Қуръон, Мулк 67:15).

Бу оятлар Ер юзи ва табиат инсон учун катта масъулият эканини англатади. Аллоҳ таоло юборган барча пайғамбарлар инсониятни Ерни асраб-авайлаш, неъматларни кадрига етиш ва шукрини адо қилишга чақирганлар ва ер юзида бузғунчилик билан шуғулланишдан қайтарганлар.

Сувни тежаш – Қуръони каримда “Аллоҳ таоло осмондан ёмғир сувларини туширади ва водийларда сувлар ўз ўлчови ва ҳисоби билан оқади...” (Раъд сураси, 8-оят) дея таъкидланади.

Яна бир ояти каримада эса: “Биз осмондан ҳисоби билан ёмғир сувларини ёғдириб, Ерга ўрнаштирдик. Биз бу сувларни кетказиб сизларни ундан маҳрум қилиб қўйишга ҳам қодирмиз” (Мўминун сураси, 18-оят), дейилган Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) инсон покланаётган ҳолида ҳам сувни исроф қилмасликни буюрганлар. Ул зот покланишга бир муд (700 гр), чўмилишга 3 муд (2 литр) сув ишлатганлари нақл қилинади. Бугунги ҳисоб-китобларга кўра бир дақиқа сув кранини жўмрагини очиб қўйилса 15 литр, 10-15 дақиқа душ жўмрагини оқизиб қўйиш 200 литр сув исроф бўлишига олиб келади.

Исломда исроф қилиш, яъни табиий ресурсларни беҳуда сарфлаш қаттиқ қораланади: “Еб-ичинг ва исроф қилманг. Чунки У исроф қилувчиларни севмас. (Аъроф, 7:31) “Албатта, исрофчилар шайтонларнинг биродарлари бўлганлар. (Исро, 17:27) Бу оятлар сув, озик-овқат ва бошқа ресурсларни тежашга тарғиб қилади.

Абу Хурайра (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда Набий (с.а.в.) инсонларни сувни ифлос қилишдан қайтариб: “Бирортангиз оқмай турадиган, кейинчалик унда ғусл қиладиган сувга зинҳор бавл қилмасин”, деб марҳамат қилганлар (Бухорий ривоят қилган).

Шунингдек, Расулulloҳ (с.а.в.) таҳорат қилаётган буюк саҳобалардан бирини сувни исроф қилишдан қайтариб шундай деганлар: “Агар оқиб турган дарё лабида бўлсанг ҳам (сувни исроф қилма!)” (Имом Аҳмад ривоятлари).

Дарахт экиш – Қуръонда ўсимликлар ва дарахтлар Ернинг зийнати экани таъкидланади:

“У осмондан сув туширган Зотдир. Бас, у (сув) ила турли набототлар чиқардик. Ундан янги сабза урган ўсимликларни чиқардик. Ундан ғужум-ғужум бошоклар ва хурмодан – унинг тугунчасидан яқин шингиллар ҳамда узумлардан боғлар, шунингдек, бир-бирига ўхшаган ва ўхшамаган зайтун ва анорларни чиқарамиз. Унинг мева тугиш пайтидаги мевасига ва пишишига назар солинг. Албатта, бунда имон келтирадиган қавм учун оят(белги) лар бордир (Анъом, 6:99).

“У сув билан сизларга экинлар, зайтун, хурмо, узум ва турли меваларни етиштириб беради. Албатта, бу нарсаларда тафаккур қилувчи қавм учун аломатлар бор” (Наҳл, 16:11).

Қуръони каримда турли мевалар инсон учун буюк неъмат ва шифо манбаи сифатида тасвирланган. Улар нафақат дунё ҳаётидаги неъматлар, балки жаннатдаги улуғ мукофотлар сифатида ҳам зикр қилинади.

Қуръонда зикр қилинган асосий мевалар:

– Хурмо – Озик-овқат ва жаннат меваси.

– Зайтун – Шифобахш ва муборак

мевалардан.

– Узум – Дунё ва жаннат неъмат.

– Анжир – Аллоҳ қасам ичган

мевалардан.

– Анор – Дунё ва жаннат меваларидан.

– Банан – Жаннат неъматларидан бири.

Шунингдек, Қуръонда турли боғлар, мевалар ва гуллар инсонларга ўрناк ва ибрат сифатида зикр қилинади.

Жумладан, “Ким бирор ўлик ерни тирилтиса, яъни обод этса, унга шунда ажр бордир. Шунингдек, ундан бирор жонзот еган нарсада унга садақа (савоби) бордир”, деб марҳамат қилганлар (Имом Доримий ривояти). Яна бошқа бир ҳадиси муборакда: “Қайси бир мусулмон киши бирор кўчат ёки экин экса, кейин ундан қуш ёки инсон ёхуд бирор жонивор еса, эккан одамга садақа савоби ёзилади” (Имом Бухорий ривояти) дейилган. Яна бир ҳадиси шарифда айтилишича: “Экилган ҳар бир дарахтнинг айтаётган тасбеҳи ўша дарахтни эккан кишининг номаи аъмолига ёзилади”.

Пайгамбар (с.а.в.)нинг: “Агар Қиёмат қоим бўлса-ю, қай бирингизнинг кўлида бир дона хурмо кўчати бўлса, Қиёмат қоим бўлгунча уни экишга қодир бўлса, уни экиб қўйсин”, деганлари ҳам барчага ибратдир. Қиёмат бошланган бўлса, экин экишнинг нима фойдаси бор, деган савол туғилиши табиий. Бу саволга Усмон ибн Аффон (р.а.) кексалик ёшида ҳам кўчат экаётган кишига қараб: “Қиёмат қоим бўлганда обод қилувчилар қаторида бўлиб ўлиш яхшироқдир”, деган гаплари жавоб бўлади.

Ҳадисларда дарахт экиш катта савобли амал экани таъкидланган. Инсон кўчат экиб, боғ яратса, унинг сояси ёки мевасидан ким баҳра олса улкан ажру савобга эга бўлиши маълум ҳақиқат. Вафот қилгандан кейин ҳам савоби тўхтамай оқувчи “садакаи жория” сифатида ўзидан сўнг инсониятга манфаат етказадиган ишлар белгиланган. Улар қаторида одамлар учун йўллар барпо қилиш, сув келтириш, дарахт экиш каби атроф муҳит муҳофазасига қаратилган ишлар ҳам бор.

Ҳайвонларга меҳрибонлик – ислом ҳайвонларга нисбатан ҳам меҳрибонлик ва адолатли муносабатда бўлишга чақирган: “Ёр юзидаги жонзот ва икки қаноти ила учадиган куш борки, ҳаммаси сиз каби умматлардир...” (Анъам, 6:38) Бу оят ҳайвонлар ҳам инсонлар каби Аллоҳнинг яратган мавжудотлари эканини ва уларни ҳимоя қилиш кераклигини англатади. Қуръон ҳайвонларни инсонларга фойда келтирадиган жонзотлар сифатида тасвирлайди ва уларни ҳурмат билан муомала қилишга чақирган. “Аллоҳ сизлар учун саккиз жуфт чорва ҳайвонини яратди. Уларнинг ичидан баъзиларининг гўштини ейсизлар, баъзиларидан эса фойдаланасизлар” (Зумар, 39:6). Бу оятда ҳайвонлар инсонларга неъмат қилиб берилганини, уларни оқилона фойдаланиш кераклиги айтилади. Қуръонда кушлар ҳақида бир неча бор зикр қилинган бўлиб, улар Аллоҳнинг қудратининг белгиси сифатида тасвирланган. “Осмонлару ердаги ҳар бир нарса ва қанот ёйиб парвоз қилувчи кушлар Аллоҳни улуғлайди. Ҳар бири ўз тасбеҳини ва намозини билур. Аллоҳ эса улар амал қиладиган ишларни билувчидир.” (Нур,

24:41) Бу оят кушларнинг ҳам Аллоҳга тасбеҳ айтадиган жонзот эканини таъкидлайди.

“Раббинг асаларини илҳомлантирди: ‘Тоғлар, дарахтлар ва одамлар қурган паноҳгоҳларда уя қур!’ Кейин турли мевалардан еб, Раббинг белгилаган йўлларда юр! Уларнинг қоридан инсонлар учун шифо бўлган турли рангдаги асал чиқади. Албатта, бунда фикр юритувчилар учун ибрат бор.” (Наҳл, 16:68-69) Бу оятда асаларилар ва уларнинг инсон учун қилиб берадиган шифобахш маҳсулотлари ҳақида айтилади. Шунингдек, Қуръони каримда турли ҳайвонлар, жумладан от, сигир, қўй, туя ва бошқа чорва ҳайвонлари ҳақида кўплаб оятлар келтирилган. Уларда бу ҳайвонларнинг инсонга фойдали экани, уларни асраш, улардан оқилона фойдаланиш ва ҳайвонларга меҳрибонлик билан муносабатда бўлиш ҳақида муҳим таълимотлар бор.

Динимиз кўрсатмаларида ҳайвонларга шафқат қилиш, уларга озор бермаслик қатъий тарзда тавсия қилинади. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Муҳаммад алайҳис-саломнинг бир солиҳа аёл мушукни қаровсиз қолдириб, қийналиб ўлишига сабаб бўлгани учун дўзахга ҳукм қилингани, бир гуноҳкор кимса чўлда ташна бўлиб ётган кучукка раҳми келиб, қудукдан сув олиб чиқиб, ичиргани учун жаннатга ҳукм қилингани ҳақида ҳадислари нақл қилинган.

Ернинг поклигини сақлаш – Қуръон табиатни муҳофаза қилишга жиддий эътибор қаратади. Унда инсонга Ёр юзидаги тартибни сақлаш, ресурсларни исроф қилмаслик, ҳайвонларга меҳрибонлик қилиш ва табиатга шукроналик билан муносабатда бўлиш вазифаси юклатилган.

Қуръони каримда жонсиз мавжудотлар – Ерлар, осмонлар ва сувлар – Аллоҳнинг буюк қудрати ва ҳикмати ифодаси сифатида таърифланган. Улар нафақат инсонларга хизмат қилади, балки ўз тилида Аллоҳга тасбеҳ айтадиган мавжудотлар сифатида ҳам кўрсатилади. “Албатта, Биз ҳар бир нарсани ўлчов билан яратдик” (Қамар, 54:49). “Осмонни баланд қилди ва тарозу (адолат)ни ўрнатди” (Раҳмон, 55:7). Бу оятлар Ердаги табиий

мувозанатни бузмаслик ва уни муҳофаза қилиш инсоний бурч эканини кўрсатади.

Аллоҳ таоло Ерни инсонлар учун гўзал қилиб яратган ва унинг тартибини бузмасликка буюрган: “У, осмонлару ерни ҳақ ила яратган Зотдир (Анъам, 6:73). “У сизга ерни бешик қилиб берган ва шоядки, ҳидоят топсангиз деб, сизга унда йўллар қилиб қўйган Зотдир (Зухруф, 43:10). “Ва ер юзида ислоҳ қилинганидан кейин бузгунчилик қилманг (Аъроф, 7:56). Бу оятлар Ерни ҳимоя қилиш ва унинг табиий мувозанатини бузмаслик кераклигини таъкидлайди.

Исломда чиқиндиларни тартибли жойлаштириш ва атроф-муҳитни тоза сақлашга алоҳида эътибор қаратилади. Ҳадиси шарифда Пайғамбар (с.а.в.): “Имон етмишдан ортик бўлақлардан ташкил топган. Унинг энг кичиги кишиларга озор етадиган нарсани йўлдан олиб ташлаш” дея марҳамат қилганлар. Йўлларни озода сақлаш, жамоат жойларини турли чиқиндилар билан ифлослантормаслик масаласи ислом шариатида қаттиқ аҳамият берилган тамойиллардандир.

ХУЛОСА

Ислом динида табиатни муҳофаза қилиш ҳар бир кишининг инсонийлик бурчи ҳисобланади. Қуръон ва ҳадисларда бу ҳақда кўплаб таълимотлар мавжуд бўлиб, улар Ер юзига, сувларга, ўсимлик ва ҳайвонларга нисбатан инсоний муносабатда бўлишга тарғиб қилади. Шу боис ҳар бир мусулмон табиатни асраб-авайлашда масъулиятни ҳис қилиши ва уни келажак авлодга пок ҳолда етказиш учун ҳаракат қилиши керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАРЛАР

1. Қориев М.Р. Ислом динида атроф муҳит-муҳофазаси. journal of integrated education and research. Vol.2. No.1. (2023) <https://ojs.rmasav.com/index.php/ojs/article/view/767>
2. Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф. Иймон. – Т.: «Hilol-Nashr», 2021. – 368 б.
3. Отабоев Ш. Экология, дин ва саломатлик. – Т.: «Тошкент ислом
4. университет» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. – 106 б.
5. Маҳмудов Ў. Исломда табиат муҳофазаси. <https://nasafziyo.uz/index.php?newsid=8002>
6. Қурбонбоев. М. Исломда табиат муҳофазаси. <https://zamaxshariy.uz/15303/>